ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2023 №2

*2011 йилдан чиқа бошлаган*

# TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI




# ВЕСТНИК ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент

ISSN 2181-7812

Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе

редакционно-издательского отдела Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации
Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013года

реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии

с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.
Контактный телефон: 214 90 64
e-mail: rio-tma@mail.ru
rio@tma.uz

Формат 60х84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».
Тираж 150.
Цена договорная.

Отпечатано на ризографе
редакционно-издательского отдела ТМА.
100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА № 2, 2023

***РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ***

***Главный редактор***

проф. А.К. Шадманов

***Заместитель главного редактора***

проф. О.Р.Тешаев

***Ответственный секретарь***

проф. Ф.Х.Иноятова

***ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ***

акад. Аляви А.Л.
проф. Билалов Э.Н.
проф. Гадаев А.Г.
проф. Жае Вук Чои (Корея)
акад. Каримов Ш.И.
проф. Татьяна Силина (Украина)
акад. Курбанов Р.Д.
проф. Людмила Зуева (Россия)
проф. Метин Онерчи (Турция)
проф. Ми Юн (Корея)
акад. Назыров Ф.Г.
проф. Нажмутдинова Д.К.
проф. Саломова Ф.И.
проф. Саша Трескач (Германия)
проф. Шайхова Г.И.

***Члены редакционоого совета***

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)
проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)
проф. Хамдамов Б.З. (Бухара)
проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)
проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)
проф. Маматкулов Б.М. (Ташкент)
проф. Охунов А.О. (Ташкент)
проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)
проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)
проф. Хамраев А.А. (Ташкент)
проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)
проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

Herald TMA №2, 2023

***EDITORIAL BOARD***

***Editor in chief***

prof. A.K. Shadmanov

***Deputy Chief Editor***

prof. O.R.Teshaev

***Responsible secretary***

prof. F.Kh.Inoyatova

***EDITORIAL TEAM***

academician Alyavi A.L.
prof. Bilalov E.N.
prof. Gadaev A.G.
prof. Jae Wook Choi (Korea)
academician Karimov Sh.I.
prof. Tatyana Silina (Ukraine)
academician Kurbanov R.D.
prof. Lyudmila Zueva (Russia)
prof. Metin Onerc (Turkey)
prof. Mee Yeun (Korea)
prof. Najmutdinova D.K.
prof. Salomova F.I.
prof. Sascha Treskatch (Germany)
prof. Shaykhova G.I.

***EDITORIAL COUNCIL***

DSc. Abdullaeva R.M.
prof. Akilov F.O. (Tashkent)
prof. Allaeva M.D. (Tashkent)
prof. Khamdamov B.Z. (Bukhara)
prof. Iriskulov B.U. (Tashkent)
prof. Karimov M.Sh. (Tashkent)
prof. Mamatkulov B.M. (Tashkent)
prof. Okhunov A.A. (Tashkent)
prof. Parpieva N.N. (Tashkent)
prof. Rakhimbaeva G.S. (Tashkent)
prof. Khamraev A.A. (Tashkent)
prof. Kholmatova B.T. (Tashkent)
prof. Shagazatova B.X. (Tashkent)

**Journal edited and printed in the computer of Tashkent Medical Academy editorial department**

**Editorial board of Tashkent Medical Academy**

**Head of the department: M.N. Aslonov**

**Russian language editor: O.A. Kozlova**

**Uzbek language editor: M.G. Fayzieva**

**English language editor: A.X. Juraev**

**Corrector: Z.T. Alyusheva**

**Organizer: Tashkent Medical Academy**

**Publication registered in editorial and information department of Tashkent city**

**Registered certificate 02-00128**

**Journal approved and numbered under the order 201/3 from 30 of December 2013 in Medical Sciences department of SUPREME ATTESTATION COMISSION**

**COMPLITED MANSCIPTS PLEASE SEND following address:**

**2-Farobiy street, 4 floor room 444. Administration building of TMA. Tashkent. 100109, Toshkent, ul. Farobi, 2, TMA bosh o'quv binosi, 4-qavat, 444-xona.**

**Contact number:71- 214 90 64**

**e-mail: rio-tma@mail.ru. rio@tma.uz**

**Format 60x84 1/8. Usl. printer. l. 9.75.**

**Listening means «Cambria».**

**Circulation 150.**

**Negotiable price**

**Printed in TMA editorial and publisher department risograph**

**2 Farobiy street, Tashkent, 100109.**

| СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT | |
|---|---|---|
| **ОБЗОРЫ** | **REVIEWS** | |
| *Акилов Х.А., Рустамов А.Э., Хаялиев Р.Я., Эшмуродова Д.Б. ХИРУРГИЧЕСКАЯ ТАКТИКА ПРИ РЕЦИДИВАХ ВЫПАДЕНИЯ ПРЯМОЙ КИШКИ* | *Akilov H.A., Rustamov A.E., Hayaliev R.Ya., Eshmurodova D.B. SURGICAL TACTICS FOR RECURRENT RECTAL PROLAPSE* | 9 |
| *Ахмедов Ш.М. ПЕРСПЕКТИВЫ ПРИМЕНЕНИЯ ИНГАЛЯЦИОННЫХ АНТИБАКТЕРИАЛЬНЫХ ПРЕПАРАТОВ ПРИ РЕСПИРАТОРНЫХ ИНФЕКЦИЯХ* | *Akhmedov Sh.M. PROSPECTS FOR THE USE OF INHALED ANTIBACTERIAL DRUGS IN RESPIRATORY INFECTIONS* | 12 |
| *Болтаев М.И., Тилляшайхов М.Н., Мирхамидов Д.Х. СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ ЭПИДЕМИОЛОГИИ И ФАКТОРЫ РИСКА РАЗВИТИЯ РАКА МОЧЕВОГО ПУЗЫРЯ* | *Boltayev M.I., Tillyashaykhov M.N., Mirkhamidov D.Kh. MODERN ASPECTS OF EPIDEMIOLOGY AND RISK FACTORS IN BLADDER CANCER* | 17 |
| *Ганиева С.К. ПРОБИОТИКИ В ЛЕЧЕНИИ ДИАРЕЙНЫХ ЗАБОЛЕВАНИЙ У ДЕТЕЙ* | *Ганиева С.К. PROBIOTICS IN THE TREATMENT OF DIARRHEAL DISEASES IN CHILDREN* | 20 |
| *Гиясов Ш.И., Нуриддинов Х.З., Абдужабборова У.М., Туйгунов Л.Х., Синдоров Ж.З., Рахимжонов М.А., Бахромов У.Ф., Мухтаров Ш.Т., Акилов Ф.А., Di Tie, Yili Liu, Chunming Liu, Dongwei Xue Jia Liu, Fengming Dong, Minqiang Gao, Guangzong Gao. МОЧЕТОЧНИКОВЫЕ СТЕНТЫ БУДУЩЕГО: КАКИМИ СВОЙСТВАМИ ОНИ ДОЛЖНЫ ОБЛАДАТЬ?* | *Giyasov Sh.I., Nuriddinov Kh.Z., Abdujabborova U.M., Tuigunov L.Kh., Sindorov Zh.Z., Rakhimjonov M.A., Bakhromov U.F., Mukhtarov Sh.T., Akilov F.A., Di Tie, Yili Liu, Chunming Liu, Dongwei Xue, Jia Liu, Fengming Dong, [3] Minqiang Gao, Guangzong Gao URETERAL STENTS OF THE FUTURE: WHAT PROPERTIES SHOULD THEY HAVE?* | 25 |
| *Djurayeva N.K. COVID-19 INFEKSIYASI BILAN KURASHISHDA REABILITASION TADBIRLAR OLIB BORISHNI TAKOMILLASHTIRISH* | *Djurayeva N.K. IMPROVING REHABILITATION ACTIVITIES IN THE FIGHT AGAINST COVID-19 INFECTION* | 29 |
| *Мирзаева А.Х., Сайдалиходжаева С.З., Фахриддинов Р.Ф. ОСОБЕННОСТИ ПАТОГЕНЕЗА МАСКИРОВАННОЙ ДЕПРЕССИИ У БОЛЬНЫХ COVID-19 И ВОЗМОЖНОСТИ КОРРЕКЦИИ НАРУШЕНИЙ* | *Mirzayeva A.X., Saydalikhodjayeva S.Z., Fakhriddinov R.F. FEATURES OF THE PATHOGENESIS OF MASKED DEPRESSION IN COVID-19 PATIENTS AND THE POSSIBILITY OF CORRECTION OF DISORDERS* | 33 |
| *Мусаев Х.А., Ахмедова Д.Б. ГИПОТЕРМИЯ – АКТУАЛЬНАЯ ПРОБЛЕМА СОВРЕМЕННОЙ МЕДИЦИНЫ* | *Musaev Kh.A., Akhmedova D.B. HYPOTHERMIA IS AN ACTUAL PROBLEM OF MODERN MEDICINE* | 36 |
| *Рахимова Д.Ж., Исломов К.А.,_Мусурманов Ф.И. ЗНАЧЕНИЕ ПОЛНОЦЕННОГО ПИТАНИЯ ДЛЯ ЗДОРОВЬЯ И ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ДЕТЕЙ ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА* | *Rakhimova D.Zh., Islomov K.A., Musurmanov F.I. THE IMPORTANCE OF GOOD NUTRITION FOR THE HEALTH AND PHYSICAL DEVELOPMENT OF SCHOOL-AGE CHILDREN* | 39 |
| *Рузикулов М.М., Кариев Г.М., Ташматов Ш.Н. ДОЛИХОЭКТАТИЧЕСКИЕ И ФУЗИФОРМНЫЕ АНЕВРИЗМЫ СОСУДОВ ГОЛОВНОГО МОЗГА: ПАТОГЕНЕЗ, КЛИНИКА, МЕТОДЫ ЛЕЧЕНИЯ* | *Ruzikulov M.M., Kariev G.M., Tashmatov Sh.N. ANEURYSMS OF DOLICHOECTATIC AND FUSIFORM CEREBRAL VESSELS: PATHOGENESIS, CLINIC, METHODS OF TREATMENT* | 42 |
| *Таджиева Н.У., Самибаева У.Х., Имамова И.А., Каримова М.Т., Магзумов Х.Б., Шодмонов И.С. БАКТЕРИАЛЬНЫЕ ПАТОГЕНЫ У БОЛЬНЫХ С НОВОЙ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИЕЙ COVID-19, ОСЛОЖНЕННОЙ БАКТЕРИАЛЬНОЙ ПНЕВМОНИЕЙ* | *Tajieva N.U., Samibaeva U.Kh., Imamova I.A., Karimova M.T., Magzumov H.B., Shodmonov I.S. BACTERIAL PATHOGENS IN PATIENTS WITH NOVEL CORONAVIRUS INFECTION COVID-19 COMPLICATED BY BACTERIAL PNEUMONIA* | 47 |
| *Турғунов С.Т., Камилов Ж.А. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ БУЗИЛИШЛАРНИ ЭРТА АНИҚЛАШ УЧУН ЯНГИ ҲУДУДИЙ СТАНДАРТЛАР АСОСИДА МОБИЛ ИЛОВАНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ* | *Turgunov S.T., PhD Kamilov Ж.А. DEVELOPMENT OF A MOBILE APPLICATION BASED ON REGIONAL STANDARDS FOR EARLY DETECTION OF DEFECTS IN THE PHYSICAL DEVELOPMENT OF PRESCHOOL CHILDREN IN THE REPUBLIC OF KARAKALPAKSTAN* | 52 |
| *Usmanxodjayeva A.A., Adilov S. Q., Isomiddinov Z.J. COVID-19 O’TKAZGANDAN SO’NG RIVOJLANGAN SON SUYAGI BOSHCHASI OSTEONEKROZI ERTA BOSQICHLARINING JISMONIY REABILITATSIYASI* | *Usmanxodjayeva A.A., Adilov S. Q., Isomiddinov Z.J. PHYSICAL REHABILITATION OF PATIENTS AT THE EARLY STAGE OF OSTEONECROSIS OF THE FEMORAL HEAD AFTER SUFFERING COVID-19* | 55 |

| | | |
|---|---|---|
| Shagazatova B.X., Qudratova N.A. TANA VAZNINI TUZATISHNING OPERATIV VA OPERATIV BO'LMAGAN USULLARI SAMARADORLIGINI QIYOSIY BAHOLASH | Shagazatova B.Kh., Kudratova N.A. COMPARATIVE EVALUATION OF THE EFFECTIVENESS OF OPERATIVE AND NON-OPERATIVE METHODS OF BODY WEIGHT CORRECTION | 184 |
| Shadmanova L.Sh., Yadgarova N.F., Zokirov M.M., Rajabov M.N., Nasretdinova G.M., Vosikov B.A. KEKSA YOSHDAGI BEMORLARDA AFFEKTIV-IPOXONDRIAL BUZILISHLARNING KLINIK XUSUSIYATLARI | Shadmanova L.Sh., Yadgarova N.F., Zokirov M.M., Rajabov M.N., Nasretdinova G.M., Vosikov B.A. CLINICAL FEATURES OF AFFECTIVE-HYPOCHONDRIACAL DISORDERS IN ELDERLY PATIENTS | 188 |
| Шамиров Д.А., Нодирханова Н.С. ЗНАЧИМОСТЬ ПОЛИМОРФИЗМА АССОЦИАЦИИ АЛЛЕЛЬНЫХ ВАРИАНТОВ И ГЕНОТИПОВ ГЕНА ИЛ-23 В ПАТОГЕНЕЗЕ ГЕНИТАЛЬНОГО ПРОЛАПСА ПОСЛЕ ГИСТЕРЭКТОМИИ | Shamirov D.A., Nodirkhanova N.S. SIGNIFICANCE OF ASSOCIATION POLYMORPHISM OF ALLELIC VARIANTS AND GENOTYPES OF THE IL-23 GENE IN THE PATHOGENESIS OF GENITAL PROLAPSE AFTER HYSTERECTOMY | 191 |
| Шамсутдинова М.И., Шамсутдинов М.М., Тойчиев А.Х., Осипова С.О. , Таджиева З.М., Ёрлаев Н.Ф. ЗОНУЛИН КАК ДИАГНОСТИЧЕСКИЙ МАРКЕР КИШЕЧНОЙ ПРОНИЦАЕМОСТИ У БОЛЬНЫХ ЯЗВЕННЫМ КОЛИТОМ | Shamsutdinova M.I., Shamsutdinov M.M., Toychiev A.H., Osipova S.O., Tadjieva Z.M., Yorlaev N.F. ZONULIN AS A DIAGNOSTIC MARKER OF INTESTINAL PERMEABILITY IN PATIENTS WITH ULCERATIVE COLITIS | 196 |
| Шукурова У.П., Мухамедова Н.Х., Бауетдинова Г.Д. ОЦЕНКА СОСТОЯНИЯ ЭНДОТЕЛИЯ СОСУДОВ У БОЛЬНЫХ НЕФРОСКЛЕРОЗОМ ПОЧЕК ПРИ ХРОНИЧЕСКОМ ПИЕЛОНЕФРИТЕ | Shukurova U.P., Mukhamedova N.Kh., Bauetdinova G.D. ASSESSMENT OF THE STATE OF THE VASCULAR ENDOTHELIUM IN PATIENTS WITH KIDNEY NEPHROSCLEROSIS WITH CHRONIC PYELONEPHRITIS | 199 |
| Ярашев С.С., Кадиров Р.Н., Нуриллаев Х.Ж., Абдикадиров У.К. ДИФФЕРЕНЦИРОВАННЫЙ ПОДХОД К ПРИМЕНЕНИЮ МИНИИНВАЗИВНЫХ МЕТОДОВ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ БОЛЬНЫХ ОСТРЫМ ХОЛЕЦИСТИТОМ И ХОЛЕДОХОЛИТИАЗОМ | Yarashev S.S., Kadirov R.N., Nurillaev Kh.Zh., Abdikadirov U.K. DIFFERENTIATED APPROACH TO THE USE OF MINIMALLY INVASIVE METHODS OF SURGICAL TREATMENT OF PATIENTS WITH ACUTE CHOLECYSTITIS AND CHOLEDOCHOLITHIASIS | 202 |
| **ГИГИЕНА, САНИТАРИЯ И ЭПИДЕМИОЛОГИЯ** | **HYGIENE, SANITATION AND EPIDEMIOLOGY** | |
| Отажонов И.Т. «АНДИЖОН ШАҲРИ БОЛАЛАРИ ОРАСИДА «ҲАҚИҚИЙ» КАСАЛЛАНИШ | Otazhonov I.T «REAL» MORBIDITY AMONG CHILDREN OF THE CITY OF ANDIJAN | 206 |
| Садирходжаева Н.С., Камилова Р.Т., Ибрагимова Л.А., Ильясова М.М. ХАРАКТЕРИСТИКА ФИЗИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ УЧАЩИХСЯ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ОРГАНИЗАЦИИ ШКОЛЬНОГО ПИТАНИЯ | Sadirkhodzhaeva N.S., Kamilova R.T., Ibragimova L.A., Ilyasova M.M. CHARACTERISTICS OF THE PHYSICAL DEVELOPMENT OF STUDENTS DEPENDING ON THE ORGANIZATION OF SCHOOL MEALS | 209 |
| Tadjiyev B.M., Matyakubov M.B., Mirxashimov M.B., Aliyeva G.R. VIRUSLI GEPATITLAR BILAN KASALLANISHLARNING EPIDEMIOLOGIK TAXLILI | Tadjiev B.M., Matyakubov M.B., Mirhashimov M.B., Alieva G.R. EPIDEMIOLOGICAL ANALYSIS OF INCIDENCE WITH VIRUS HEPATITIS | 214 |
| Хаитов М.А., Мухамедалиева Н.М., Эсамуратов А.И.,.Абдуллаев И.К. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ ОРАСИДА СОМАТИК КАСАЛЛИКЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ТИББИЙ–ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТЛАРИ | Khaitov M.A., Mukhamedalieva N.M., Esamuratov A.I., Abdullaev I.K. MEDICAL AND SOCIAL ASPECTS OF SOMATIC FACTORS THAT CAUSE DISEASES IN EMPLOYEES OF INTERNAL AFFAIRS BODIES | 218 |
| Худайберганов А.С., Бободжонов Б.Р., Носирова А.Р. ИССЛЕДОВАНИЕ АЛИМЕНТАРНЫХ ФАКТОРОВ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ ПРОЦЕССАМ СТАРЕНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ | XKhudaiberganov A.S., Bobodzhonov B.R., Nosirova A.R. STUDIES OF NUTRITIONAL FACTORS COUNTERACTING THE AGING PROCESS IN UZBEKISTAN | 222 |
| Шомуротова Н.Ш., Дусчанов Б.А., Зокирходжаев Ш.Я., Рўзметова Д.А. СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ ЁЗ-КУЗ МАВСУМИДАГИ КУНЛИК ОВҚАТЛАНИШ ТАРТИБИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ | Shamuratova N.Sh., Duschanov B.A., Zokirxodjaev Sh.Ya., Ruzmetova D.A. HYGIENIC ASSESSMENT OF THE DAILY DIET OF PATIENTS WITH CHRONIC HEPATITIS IN THE SUMMER-AUTUMN SEASON | 227 |

УДК:613.2:616. 36-002.2

# СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ ЁЗ-КУЗ МАВСУМИДАГИ КУНЛИК ОВҚАТЛАНИШ ТАРТИБИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Шомуротова Н.Ш., Дусчанов Б.А., Зокирходжаев Ш.Я., Рўзметова Д.А.

# ГИГИЕНИЧЕСКАЯ ОЦЕНКА СУТОЧНОГО ПИТАНИЯ БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКИМ ГЕПАТИТОМ В ЛЕТНЕ-ОСЕННЕМ СЕЗОНЕ

Шамуратова Н.Ш., Дусчановд Б.А., Зокирходжаев Ш.Я., Рузметова Д.А.

# HYGIENIC ASSESSMENT OF THE DAILY DIET OF PATIENTS WITH CHRONIC HEPATITIS IN THE SUMMER-AUTUMN SEASON

Shamuratova N.Sh., Duschanov B.A., Zokirxodjaev Sh.Ya., Ruzmetova D.A.

*Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали*

***Цель:*** *гигиенический анализ абсолютного питания пациентов с хроническим гепатитом.* ***Материал и методы:*** *в основную группу вошли 45 больных в возрасте от 21 года до 74 лет, получавших профилактическое лечение в домашних условиях с помощью диетотерапии, контрольная группа состояла из 45 больных, получавших лечение традиционной диетотерапии. Питание пациентов изучали расчетным и лабораторным методами. Для статистического анализа было оценено 540 рационов.* ***Результаты:*** *в суточном рационе увеличилось потребление мучных изделий из высшего сорта у мужчин с 114,6 до 123,6%, у женщинам с 113,1 до 131,8%. Потребления фруктов и овощей ниже минимальной физиологической нормы. Избыточную массу тела имели 44 (48,9%) больных, ожирение – 7 (7,7%). Выводы: причиной роста частоты обострений заболевания явилось увеличение количества углеводов и недостаточность в ежедневном рационе свежих фруктов и овощей.*

***Ключевые слова:*** *питание, гигиенический анализ, хронический гепатит, цирроз печени, летне-осенний сезон.*

***Objective:*** *Hygienic analysis of the daily diet and daily nutrition of patients with chronic hepatitis during the day at home.* ***Material and methods:*** *The main group included 45 patients aged 21 to 74 who received prophylactic treatment at home with the help of diet therapy, and the control group consisted of 45 patients who received traditional diet therapy. The nutrition of patients was studied by calculation and laboratory methods. For statistical analysis, 540 diets were evaluated.* ***Results:*** *In the daily diet, the consumption of flour products from the highest grade increased in men from 114.6% to 123.6%, in women from 113.1% to 131.8%. Consumption of fruits and vegetables does not meet the physiological norm, but also below the minimum physiological norm. In terms of malnutrition of patients, overweight was registered in 44 (48.9%) patients, obesity in 7 (7.7%) patients.* ***Conclusions:*** *An increase in the amount of carbohydrates and a lack of fresh fruits and vegetables in the daily diet caused an increase in the exacerbation of the disease.*

***Key words:*** *nutrition, hygienic analysis, chronic hepatitis, liver cirrhosis, summer-autumn season.*

Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзининг издан чиқиши, кун давомидаги соғлом овқатланиш ва унинг таркибидаги оқсил, ҳайвон оқсилларнинг камайиши, ҳайвон ёғларнинг рацион таркибидан даврий етишмаслиги, ўсимлик мойларнинг миқдорининг кескин ортиши, транс мойларнинг даврий ишлатилиши, карбонсувлар миқдорининг кўпайиши, етарли даражадаги минерал ва витаминлар билан таъминланмаганлиги улар орасида нутриентлар билан боғлиқ касалликларнинг ривожланиши билан биргаликда турли метаболик касалликларни ривожланишига шароит яратиши қатор илмий манбаларда қайд қилинган [5,7,9]. Нутриентив таркибининг бузилиши натижасида юзага келадиган касалликларга турли даражадаги моддалар алмашиунви касалликлари, юрак-қон томир тизими касалликлари, қандли диабет, аёлларда остеопороз, турли даражадаги ўткир ва сурункали торовоқ, алюлергик касалликлари ва иммун тизими касалликларнинг пасайиши ривожланишига ўшароит яратади [1,6,2]. Нотўғри овқатланиш натижасида, яъни кунлик рацион таркибининг бузилиши, қатор ширинликлари, аччиқ ва шўр маҳсулотлари, қатор ширинликларнинг ортиши эса аллергик касалликлари, турли ддаражадаги таров, қандли диабет, юрак-қон томир тизими касалликлари билан биргаликда турли даражаддаги гаситиритларнинг ривожланишга шароит яратиши қатор олимларнинг ишларида қайт қилинган. шунда келиб чиққан ҳолда сурункали гепатитлар билан хасталанган беморларнинг овқатланиш атртибини таҳлил қилиш бугунги кундаги долзарб муаммолардан биридир [3,4,8].

**Тадқиқот мақсади**

Сурункали гепатит билан хасталанган беморларнинг мутлоқ, кун давомида, уй шароитида истеъмол қилган овқатланиш тартиби ва кунлик рационини гигиеник таҳлил қилишдан иборат.

**Материал ва усуллар**

Назорат остига тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида Хоразм вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг гастроэнтерология бўлимида 2019-2021 йиллар давомида сурункали токсик, вирусли В ва С гепатит ва жигар циррози билан хасталанган 21 ёшдан 74 ёшгача бўлган 45 нафар бемор асосий гуруҳга ва назорат гуруҳига 45 нафар жигарнинг сурункали касалликлари билан хасталанган ва

анъанавий даволанган беморлар олинган. Биз асосан ушбу контингентни даволанишгача бўлган даврдаги уй шароитидаги кунлик овқатланиш тартибини таҳлил қилдик. Беморларнинг овқатланиши икки гуруҳ усуллари-ҳисоблаш ва лаборатор усулларида ўрганилди. Статистик таҳлил учун 540 та таомнома усулида баҳоланди. Рационларнинг озуқавий қиймати «Озиқ-овқат маҳсулотларини кимёвий таркиби» жадваллари асосида ҳисобланди. Олинган маълумотларни баҳолаш СанҚваМ 0105-01 «Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмолини ўртача кунлик рационал меъёрлари» талабларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилган. Овқатланиш рационининг озуқавий қиймати йилнинг ёз-куз мавсумлари учун алоҳида 38 та кўрсаткичлар бўйича баҳоланди. Назорат остига олинган беморларнинг текшириш ёш ва жинс бўйича тақсимоти ўрганилганда 90 нафарни ташкил этиб, улардан энг кўпини, яъни, 29 нафарни 60-69 ёшли ва 17 нафарни 50-59 ёшли беморлар,12 нафарни 30-39 ёшли беморлар, 21нафарни 40-49 ёшли беморлар, 6 нафарни 20-29 ёшли беморлар, 5 нафарни 70-79 ёшли беморлар ташкил қилди.

**Натижалар**

Жаҳоннинг ривожланган ва ривожланмаган мамлакатларида аҳоли орасида амалга ошириладиган энг асосий тадбирлардан бири улар орасида соғлом овқатланишни ташкиллаштириш ва уни баҳолашга қаратилган. Бироқ, қатор тадбирлар амалга оширилишига қарамасдан, аҳоли орасида нутриентив таркибнинг етишмаслиги оқибатидаги касалликларнинг сони кескин ортиб бормоқда. Гигиеник талабларга мос келмайдиган овқатланиш тартиби, нафақат сурункали гепатитларни, шу билан биргаликда овқатланиш билан боғлиқ касалликларни ривожланишига шароит яратиши қатор муаллифларнинг ишларида ҳам баён этилган. Биз пациентларимизнинг кунлик овқатланиш тартибининг йилнинг ёз-куз фаслида алоҳида ўрганишни мақсад қилиб олдик. Биз касалликнинг эпидемиологик таҳлилидан ташқари, овқатланиш билан боғлиқ хусусиятларни илмий асослашни асосий вазифамиз деб ҳисобладик. Экспедиция шароитида йилнинг ёз-куз фаслида ва ҳар ойида 9 тадан намуналарни олган тартибда таҳлил қилдик (1-жадвал).

*1-жадвал*

***Беморларнинг ёз мавсумида истеъмол қилган кунлик озиқ-овқат маҳсулотларини миқдорий даражаси***

| Маҳсулот | Физиологик меъёр | | Мутлоқ истеъмол даражаси | | % | | Меъёрга нисбатан камлиги | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Эркак | Аёл | Эркак | Аёл | Эркак | Аёл | Эркак | Аёл |
| Ун | 20 | 20 | 27,5±1,6 | 23,6±0,7 | 137,5 | 118,0 | +7,5 | +3,6 |
| Гуруч | 50 | 45 | 52,0±1,7 | 47,0±0,7 | 104,0 | 104,4 | +2,0 | +2,0 |
| Бўтқалар | 20 | 20 | 13,0±1,3 | 10,0±1,0 | 65,0 | 50,0 | -7,0 | -10,0 |
| Нон | 250 | 220 | 284±29,9 | 268,5±18,8 | 114 | 122 | +34 | +48,5 |
| Макарон | 50 | 40 | 47,4±3,5 | 49,1±1,5 | 95 | 123 | -2,6 | +9,1 |
| Картошка | 220 | 200 | 211,5±22,3 | 227±5,1 | 96 | 114 | -8,5 | +27 |
| Карам | 50 | 50 | 56,8±1,6 | 51,1±1,6 | 114 | 102 | +6,8 | +1,1 |
| Бодринг,помидор | 100 | 100 | 93,1±3,3 | 85±3,2 | 93 | 85 | -6,9 | -15 |
| Лавлаги ва сабзи | 80 | 80 | 70,6±2,5 | 68,4±3,5 | 88 | 86 | -9,4 | -11,6 |
| Бошқа сабзовот | 60 | 60 | 64,7±2,0 | 63,4±2,6 | 108 | 106 | +4,7 | +3,4 |
| Полиз экинлари | 50 | 50 | 42,0±1,4 | 32,0±1,5 | 84,0 | 64,0 | -8,0 | -18,0 |
| Қовоқ | 30 | 30 | 0 | 0 | 0 | 0 | -30,0 | -30,0 |
| Мевалар | 250 | 250 | 233,9±4,9 | 127±5,1 | 94 | 51 | -16,1 | -123 |
| Қурит. мевалар | 20 | 20 | 15±1,5 | 13,5±1,5 | 75,0 | 67,5 | -5,0 | -6,5 |
| Узум | 30 | 30 | 19±2,0 | 15,0±1,9 | 63,3 | 50,0 | -11,0 | -15,0 |
| Цитрус мевалар | 15 | 15 | 10,2±1,2 | 10,3±1,6 | 68 | 69 | -4,8 | -4,7 |
| Мол гўшти | 60 | 60 | 45±3,2 | 38,7±4,3 | 75 | 65 | -15 | -21,3 |
| Қўй гўшти | 30 | 20 | 23±1,4 | 13,7±1,2 | 76,7 | 68,5 | -7,0 | -6,3 |
| Ич маҳсулотлари | 8 | 5 | 0 | 0 | 0 | 0 | -8,0 | -5,0 |
| Товуқ | 70 | 60 | 60,4±2,7 | 46±3,34 | 86 | 77 | -9,6 | -14 |
| Колбаса | 25 | 15 | 28,0±2,0 | 17,6±2,3 | 112,0 | 117,3 | +3,0 | +2,6 |
| Балиқ | 35 | 35 | 27,6±1,6 | 22,5±2,8 | 79 | 64 | -7,4 | -12,5 |
| Балиқ тузланган | 8 | 3 | 5,5±1,0 | 1,5±1,0 | 68,7 | 50,0 | -2,5 | -1,5 |
| Балиқ консерва | 22 | 22 | 18,1±1,5 | 17,4±2,1 | 82 | 79 | -4,0 | -4,6 |
| Сут | 400 | 400 | 294±29,6 | 263±35,5 | 74 | 66 | -106 | -137 |
| Сметана, қаймоқ | 15 | 15 | 9±1,4 | 8±2,1 | 60,0 | 53,3 | -6,0 | -7,0 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳайвон ёғи | 30 | 25 | 16,9±1,4 | 14±1,9 | 56,3 | 56,0 | -13,1 | -11,0 |
| Сузма | 25 | 20 | 21,4±1,0 | 17,4±1,0 | 86,0 | 87,0 | -3,6 | -2,6 |
| Пишлоқ, | 20 | 20 | 14±1,2 | 11±1,4 | 70,0 | 55,0 | -6,0 | -9,0 |
| Тухум | 1 | 1 | 2,0±0,52 | 0,5±0,5 | 200,0 | 500,0 | +1,0 | --0,5 |
| Шакар | 30 | 20 | 35,0±2,3 | 28,7±3,2 | 116,7 | 143,5 | +5,0 | +8,7 |
| Маргарин | 5 | 5 | 10,2±1,2 | 10,2±1,2 | 204,0 | 204,0 | +5,2 | +5,2 |
| Ўсимлик мойи | 30 | 25 | 23,7±1,2 | 22,1±1,4 | 79,0 | 88,4 | -6,3 | -2,9 |
| Мош | 6 | 6 | 5,5±1,0 | 0 | 91,6 | 0 | -0,5 | -6,0 |
| Ловия | 6 | 6 | 5,5±1,0 | 5,5±1,0 | 91,6 | 91,6 | -0,5 | -0,5 |
| Нўхат | 8 | 8 | 5,5±1,0 | 5,5±1,0 | 68,8 | 68,8 | -2,5 | -2,5 |
| Туз | 5 | 5 | 9,2±1,4 | 8,9±1,0 | 184,0 | 178,0 | +4,2 | +3,9 |
| Қандолат маҳс. | 40 | 40 | 42,0±1,6 | 43,0±4,4 | 105,0 | 107,5 | +2,0 | +3,0 |

Назорат остига олинган беморларнинг йилнинг ёз мавсумидаги овқатланиш тартибининг гигиеник таҳлилидан кўриниб турибдики, уларнинг асосий кунлик рациони ўрта кунлик, физиологик - меъёрий даражаларга мос келмайди, бироқ минимал физиологик-меъёрдан ҳам айрим маҳсулотларнинг камлиги, нон ва нон маҳсулотларининг ортиқчалиги кўриниб турибди. Ушбу тартибдаги овқатланиш тартиби эса беморларнинг орасида нафақат овқатланиш тартибининг бузилиши, балким, улар орасида турли нутриентив ҳолатига боғлиқ касалликларнинг ривожланишига шароит яратади. Ёз мавсуми бўлишига қарамай беморларнинг кунлик рациони таркибида ун маҳсулотлари эркакларда 138%га, аёлларда 118%га ортиқчалиги таъминланган. Беморларнинг кунлик рациони таркибида тухум 2,0 марта ортиқча таъминланган бўлса, туз маҳсулотларининг таркиби белгиланган тартибидан аналогик ҳолатда 184% ва 178% га ортиқчалиги, қандолат маҳсулотларининг миқдори ҳам ортиқчалигини кўрсатиб турибди. Олиб борилган илмий таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, беморларнинг кунлик рациони таркибида бўтқаларнинг истеъмол даражасини фақат гуручли шир гуручдан иборатлиги кўриниб турибди, шу билан биргаликда гуруч 111% - 107% га ортиқча истеъмол қилинган. Назорат остига олинган пациентларда ёз мавсумида узум, тарвуз ва қовун маҳсулотларининг истеъмол даражаси қисман камайтирилган, яъни 10-15 % га камлиги кузатилган. Мавжуд меваларнинг миқдори эса эркакларда 53,5%ни, аёлларда эса 51%ни ташкил қилди. Гўшт аҳолининг кунлик рациони таркибидаги энг асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири ҳисобланади. Гўштнинг истеъмол даражаси ёз мавсумида эркакларда 75% ни, аёлларда эса 65%ни ташкил қилган. Бу эса пациентларда кун давомида 25-35% га камлигини кўрсатади. Бу темир танқислик камқонлик касаллигини ривожланиши билан биргаликда вирусли касалликларнинг ортишига шароит яратади (2-жадвал).

***2-жадвал***

***Беморларнинг куз мавсумида истеъмол қилган кунлик озиқ-овқат маҳсулотларини миқдорий даражаси***

| Маҳсулот | Физиологик меъёр | | Мутлоқ истеъмол даражаси | | % | | Меъёрга нисбатан камлиги | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Эркак | Аёл | Эркак | Аёл | Эркак | Аёл | Эркак | Аёл |
| Ун | 20 | 20 | 29,3±1,9 | 23,6±0,7 | 146,5 | 118,0 | +9,3 | +3,6 |
| Гуруч | 50 | 45 | 53,6±1,6 | 48,1±0,7 | 107,2 | 106,9 | +3,6 | +3,1 |
| Бўтқалар | 20 | 20 | 14,0±1,1 | 11,0±1,0 | 70,0 | 55,0 | -6,0 | -9,0 |
| Нон | 250 | 220 | 300,0±26,2 | 270,2±19,6 | 120,0 | 122,8 | +50,0 | +50,2 |
| Макарон | 50 | 40 | 52,4±1,6 | 49,1±1,5 | 104,8 | 122,8 | +2,4 | +9,1 |
| Картошка | 220 | 200 | 260,3±13,4 | 229±6,3 | 118,3 | 114,5 | +40,3 | +29,0 |
| Карам | 50 | 50 | 57,5±1,6 | 51,7±1,9 | 115,0 | 103,4 | +7,5 | +1,7 |
| Бодринг,помидор | 100 | 100 | 90,8±2,0 | 85,7±3,0 | 90,8 | 85,7 | - 9,2 | - 14,3 |
| Лавлаги ва сабзи | 80 | 80 | 72,5±2,2 | 69,2±3,4 | 90,6 | 86,5 | -7,5 | -10,8 |
| Бошқа сабзовот | 60 | 60 | 69,8±2,0 | 64,4±2,9 | 116,3 | 107,3 | +9,8 | +4,4 |
| Полиз экинлари | 50 | 50 | 45,0±1,6 | 40,0±1,7 | 90,0 | 80,0 | - 5,0 | - 10,0 |
| Қовоқ | 30 | 30 | 20,1±1,5 | 19,2±1,9 | 67,0 | 64,0 | -9,9 | -10,8 |
| Мевалар | 250 | 250 | 235,5±11,4 | 161,1±13,4 | 94,2 | 64,4 | -14,5 | -88,9 |
| Қурит. мевалар | 20 | 20 | 16,7±1,3 | 13,7±1,4 | 83,5 | 68,5 | -3,3 | -6,3 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Узум | 30 | 30 | 20,7±2,8 | 19,6±3,1 | 69,0 | 65,3 | -9,3 | -10,4 |
| Цитрус мевалар | 15 | 15 | 13,7±1,1 | 11,9±1,4 | 91,3 | 79,3 | -1,3 | -3,1 |
| Мол гўшти | 60 | 60 | 47,8±2,5 | 44,6±3,7 | 79,7 | 74,3 | -12,2 | -15,4 |
| Қўй гўшти | 30 | 20 | 25,4±1,1 | 14,4±1,3 | 84,7 | 72,0 | -4,6 | -5,6 |
| Ич маҳсулотлари | 8 | 5 | 7,0±1,3 | 4,1±1,3 | 87,5 | 82,0 | -1,0 | -0,9 |
| Товуқ | 70 | 60 | 63,1±2,1 | 52±3,1 | 90,1 | 86,7 | -6,9 | -8,0 |
| Колбаса | 25 | 15 | 30,7±1,1 | 17,9±2,2 | 122,8 | 119,3 | +5,7 | +2,9 |
| Балиқ | 35 | 35 | 31,8±2,0 | 24,8±2,1 | 90,8 | 70,9 | -3,2 | -10,2 |
| Балиқ тузланган | 8 | 3 | 5,5±1,0 | 2,0±1,0 | 68,8 | 66,7 | -2,5 | -1,0 |
| Балиқ консерва | 22 | 22 | 19,7±1,1 | 18,9±1,8 | 89,5 | 85,9 | -2,3 | -3,1 |
| Сут | 400 | 400 | 295±27,7 | 300±30 | 73,8 | 75,0 | -105 | -100 |
| Сметана, қаймоқ | 15 | 15 | 11,5±1,4 | 10,6±2,1 | 76,7 | 70,7 | -3,5 | -4,4 |
| Хайвон ёғи | 30 | 25 | 18,7±1,4 | 16,2±1,7 | 62,3 | 64,8 | -11,3 | -8,8 |
| Сузма | 25 | 20 | 22,2±1,1 | 19,6±1,1 | 88,8 | 98,0 | -2,8 | -0,4 |
| Пишлоқ, | 20 | 20 | 17,3±1,0 | 14,9±1,1 | 86,5 | 74,5 | -2,7 | -5,1 |
| Тухум | 1 | 1 | 2,5±1,0 | 1,0±1,0 | 250,0 | 100 | +1,5 | 0 |
| Шакар | 30 | 20 | 35,7±1,6 | 28,9±2,9 | 119,0 | 144,5 | +5,7 | +8,9 |
| Маргарин | 5 | 5 | 9,1±1,2 | 9,1±1,2 | 182,0 | 182,0 | +4,1 | +4,1 |
| Ўсимлик мойи | 30 | 25 | 25±1,2 | 23,2±1,2 | 83,3 | 92,8 | -5,0 | -1,8 |
| Мош | 6 | 6 | 5,5±1,0 | 5,6±1,0 | 91,6 | 93,3 | -0,5 | -0,4 |
| Ловия | 6 | 6 | 5,5±1,0 | 5,5±1,0 | 91,6 | 91,6 | -0,5 | -0,5 |
| Нўхат | 8 | 8 | 5,1±1,0 | 5,6±1,0 | 63,8 | 70,0 | -2,9 | -2,4 |
| Туз | 5 | 5 | 7,8±1,1 | 7,2±1,0 | 156,0 | 144,0 | +2,8 | +2,2 |
| Қандолат махс. | 40 | 40 | 46±1,9 | 45±4,6 | 115,0 | 112,5 | +6,0 | +5,0 |

Ёз мавсумига нисбатан мева ва сабзовотларнинг қўшилишига қарамасдан, бугунги кунда беморларнинг куз мавсумидаги овқатланиш тартибида ун, макарон, нон ва нон маҳсулотларининг ортиқчалиги, гўшт ва балиқ маҳсулотлари, сут маҳсулотлари ва меваларнинг миқдори физиологик кўрсаткичларга мос келмайди. Ушбу ҳолат соғлом овқатланиш талаблари ва хавфсизлик назорати амалга оширилмаса, касалликнинг ривожланишига шароит яратади. Сир эмаски, белгиланган санитария меъёр ва қоидаларида турли бўёқли ичимликларнинг меъёри кўрсатилмаган. Назорат остига олинган беморларнинг аксарияти ҳар куни энергетик ичмликлар, кола, фанта ва турли бўёқли ичимликларни истеъмол қилишганлиги аниқланган. Табиий мева ва сабзавотларнинг истеъмол даражаси камайтирилган. Бу эса беморларнинг кунлик рациони таркибида В гуруҳ витаминларнинг ва витамин А, С, D турларининг етишмаслиги билан биргаликда, минерал моддаларидан сут орқали тушадиган кальций, балиқ маҳсулотлари орқали тушадиган фосфор, бошқа минералларнинг тушишини камайши ва карбонсувлар миқдорининг ортишига шароит яратади. Тадқиқотимизнинг асосий вазифаларидан бири ёз-куз мавсумида беморларнинг кунлик рациони таркибида оқсиллар, айниқса ҳайвон оқсилларининг етишмаслиги, озиқ-овқат маҳсулотлари билан организмга тушадиган витаминлар ва минералларнинг етишмаслиги билан корреляцион боғлиқлигини асослашдан иборат бўлди. Кунлик рацион таркибида сут ва сут маҳсулотларининг, мева ва сабзавотларнинг етишмаслиги, касаллик хуружининг ортишига асос бўлган. Таъкидлаб ўтишимиз жоизки, йилнинг ёз-куз фаслларида беморларнинг кунлик рациони ва унинг энергетик қиймати, асосан нон ва нон маҳсулотлари (гуруч, ун, макарон), шакар, туз, қандолат маҳсулотларидан шакар, печенье, турли ширинликларнинг ортиқчалиги касалликнинг ривожланишига асос бўлган. Олинган натижаларнинг таҳлилларини асослаш мақсадида, биз беморларнинг кунлик рациони таркибидаги асосий микронутриентларнинг таъминланганлик даражасини баҳоладик. Биз микронутриентларни таҳлил қилишда иккала жинсда йилнинг ёз-куз фаслларини алоҳида таҳлил қилдик, чунки гепатит касаллиги мавсумий кўтарилиш хусусиятига эга эканлигини инобатга олдик (3-жадвал).

Эркакларда асосий нутриентлардан оқсилларнинг истеъмол даражаси 62%-90,5%ни ташкил қилган, бироқ, аҳолининг кунлик истеъмолида ҳайвон оқсилларининг миқдори кескин камайтирилган. Ёғларнинг миқдори 95,4% дан 132,5% гача ортиқча бўлиб, аксариятини ўсимлик мойлари ташкил қилган.

Карбонсувларнинг миқдори ёз-куз фаслларида 109%дан 143%гача, қувватмандлик миқдори эса 85%дан 119%га ортиқчалигини кўрсатиб турибди.

Соғлом овқатланиш талабларига мос келмайдиган овқатланиш тартиби эркак беморларнинг орасида касалланиш даражаси ортишининг асосий мезонларидан бири ҳисобланади (4-жадвал).

***3-жадвал***

***Сурункали гепатит билан хасталанган эркак беморларнинг кунлик асосий озиқа моддаларининг кўрсаткичлари***

| Кўрсаткичлар | Меъёр, г | Эркаклар, йил фасллари | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ёз | % | Куз | % |
| Оқсиллар, г | 120 | 104,4 | 87,0 | 106,6 | 88,8 |
| Ёғлар, г | 120,5 | 114,9 | 95,4 | 132,5 | 109,9 |
| Карбонсувлар, г | 338,0 | 481,7 | 142,5 | 516,9 | 152,9 |
| Қувват қиймати | 3158,5 | 3393,9 | 107,5 | 3743,3 | 118,5 |
| О:Ё:К нисбати | 1:1:3 | 1:1,1:4,61 | | 1:1,1:4,4 | |

***4-жадвал***

***Сурункали гепатит билан хасталанган аёл беморларнинг асосий озиқа моддаларининг кўрсаткичлари***

| Кўрсаткичлар | Меъёр, г | Эркаклар, йил фасллари | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Ёз | % | Куз | % |
| Оқсиллар, г | 108,1 | 85,5 | 79,1 | 96,3 | 89,1 |
| Ёғлар, г | 109,3 | 86,1 | 79,6 | 100,3 | 91,8 |
| Карбонсувлар, г | 339,9 | 425,8 | 125,3 | 432,4 | 127,2 |
| Қувват қиймати | 2764,7 | 2833,3 | 102,5 | 3031,1 | 109,6 |
| О:Ё:К нисбати | 1:1:3 | 1:1:4,98 | | 1:1:4,49 | |

Аёлларда асосий нутриентлардан оқсилларнинг истеъмол даражаси 69,3-96,3%ни ташкил қилган, оқсилларнинг асосий қисмини ўсимлик оқсиллари ташкил қилган. Ёғларнинг миқдори эса 79-92% гачани ташкил қилган, ёғларнинг асосий нисбати эса ўсимлик мойлари ҳисобига бойитилганлиги кўриниб турибди. Аёлларнинг кунлик рациони таркибида карбонсувларнинг миқдори эса ёз-куз фаслларида 105%дан 127%гача ортиқчалигини кўрсатиб турибди. Аёл беморларнинг қувватмандлик эҳтиёжининг таҳлили шуни кўрсатадики, ёз мавсумида 102%га, куз мавсумида 110%га ортиқча таъминланган. Меъёрий кўрсаткичлардан кескин даражадаги карбонсувларнинг ортиқчалиги, кун давомидаги овқатланиш рационида ун, нон маҳсулотлари, макарон, шакар, ош тузи, қандолат маҳсулотларнинг, куз мавсумда узум миқдорининг ортиқчалиги иссиқ иқлим шароитидаги аҳоли орасида моддалар алмашинув касалликлари билан биргаликда метаболик ўзгаришлар, қон босимининг ортиши, иммун тизимининг пасайиши билан биргаликда сурункали гепатитнинг ривожланиши ва уларнинг асоратланишига шароит яратилганлигини кўрсатади.

**Хулосалар**

1. Сурункали гепатит билан хастланган беморларнинг кунлик рациони таркибида уннинг миқдори йилнинг ёз-куз мавсумларида эркакларда 137%-156,0% кескин фасллар давомида ортиқчалиги, аёлларда эса 115%-142% ортиқчалиги аниқланган, бироқ, олий навли ундан тайёрланган ноннинг миқдори аналогик тартибда эркакларда 114,6%дан 123,6% гача, аёлларда 113,1% дан 131,8% га ортиқча истеъмол қилинган. Мева ва сабзовотлар миқдорининг камайиши, касалликнинг зўрайишига боғлиқлиги асосланган.

2. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари йил давомидаги истеъмол даражаси эркаклар ва аёлларда истеъмол миқдоридан камлигига қармасдан, колбаса маҳсулотининг истеъмол миқдори эркакларда 112,2%дан 124,8% гача, аёлларда эса 117,3%дан 124%гача ортиқча эканлиги аниқланган. Сабзавотларнинг миқдори йил давомида иккала жинс пациентларда етарли эмаслиги, меваларнинг истеъмол даражаси ҳам йилнинг ёз-куз фаслларида кам истеъмол қилинган. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, беморларнинг нотўғри овқатланишининг кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, ортиқча тана вазни (25,0-29,9 кг/м$^2$) 44(48,9%) нафар, семизлик 7(7,7%) нафар пациентларда қайд қилинди. Ўрганилган натижаларнинг таҳлиллари асосида таъкидлаш жоизки, пациентлар рационининг гигиеник талабларга мос келмаслиги, нафақат вирусли гепатитлар ва бошқа нутриентив таркиб билан боғлиқ касалликларнинг ривожланиши учун шароит яратиши ва касалликнинг авж олишига шароит яратиши мумкин.

**Адабиётлар**


1. «Аҳоли орасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. Тошкент, 2010.-№.251.

2. Скурихина И.М., Тутельяна В.А. Химический состав российских продуктов: справочник/под ред.М.:Де Липринт.- 2002. -236 с.

3. СанМваҚ №0007-2020 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ёшга, жинсга ва касбий фаолияти гуруҳлари учун соғлом овқатланишни таъминлашга қаратилган ўртача

кунлик рационал овқатланиш нормалари» Ташкент, 2020.

4. Эрматов Н.Ж., Абдулхаков И.У. Кунлик рацион таркибидаги витаминларнинг қандли диабет билан хастланган беморларнинг овқатланишдаги тутган ўрни// Тиббиётда янги кун.- 2021.-№.3. 246-256 б.

5. ЎзРҚ–483-I «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги қонуни. Тошкент, 2015.

6. Zokirxodjaev Sh.Ya., Shamuratova N.Sh., Duschanov B.A., Ruzmetova D.A., Raximova Sh.X. Biological and dietary value of sorgo (jugara) grain products by amino acid composition in certain diseases // American journal of medicine and medical sciences. 2021.- №11(3). –P. 261-264.

7. Zokirxodjaev Sh.Ya., Baxritdinov Sh.S., Xudayberganov A.S. Klinik dietologiya va nutritsiologiya // o'quv qo'llanma Toshkent: O'zkitob savdo nashriyot, 2021.-536 b.

8. Shamuratova N.Sh., Zokirxodjayev Sh. Y., Duschanov B.A., Ruzmatova D.A. Clinical-immunological efficiency in diethotherapy of chronic hepatitis with sorgo// Academicia Globe: Interscience Research, Open Access, Peer Reviewed Journal, 2022.-Vol.3, №.2.

9. Shaykhova G. I., Ermatov N.J., Abdullaeva D.G. To the problem of fungal pathology in the hot climate in children and adults.// International Journal of Pharmaceutical Research and entitled. -2021. Vol.13, №.1. -P. 2319-2322.

## СУРУНКАЛИ ГЕПАТИТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРНИНГ ЁЗ-КУЗ МАВСУМИДАГИ КУНЛИК ОВҚАТЛАНИШ ТАРТИБИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Шомуротова Н.Ш., Дусчанов Б.А.,
Зокирходжаев Ш.Я., Рўзметова Д.А.

***Мақсад***: *сурункали гепатит билан оғриган беморларнинг кун давомида, уй шароитида истеъмол қилган овқатланиш тартиби ва кунлик рационини гигиеник таҳлил қилиш.* ***Материал ва усуллар***: *21 ёшдан 74 ёшгача бўлган 45 нафар бемор асосий гуруҳга ва назорат гуруҳига 45 нафар жигарнинг сурункали касалликлари билан хасталанган ва анъанавий даволанган беморлар тадқиқот учун олинган бўлиб, уларнинг ҳаққоний овқатланиши йилнинг ёз-куз фаслида, статистик таҳлили учун 540 та таомнома шаклида ҳисоблаш ва лаборатор усулларида ўрганилиб баҳоланди.* ***Натижалар:*** *олий навли ундан тайёрланган ноннинг миқдори эркакларда 114,6% дан 123,6% гача, аёлларда 113,1% дан 131,8% гача ортиқча истеъмол қилинган, мева ва сабзавотларнинг истеъмол даражаси йилнинг ёз-куз фаслларида кам истеъмол қилинган. Беморларнинг нотўғри овқатланиш кўрсаткичларидан кўриниб турибдики, ортиқча тана вазни 44(48,9%) нафар, семизлик 7(7,7%) нафар пациентларда қайд қилинди.* ***Хулоса:*** *меъёрий кўрсаткичлардан карбонсувларнинг ортиқчалиги аҳоли орасида моддалар алмашинувидаги метаболик ўзгаришлар, қон босимининг ортиши, иммун тизимининг пасайиши билан биргаликда сурункали гепатитнинг ривожланиши ва уларнинг асоратланишига шароит яратилганлигини кўрсатади.*

***Калит сўзлар:*** *овқатланиш, гигиеник таҳлил, сурункали гепатит, жигар циррози, ёз-куз фасли.*